


Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: oqqala@gmail.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик

нашр

АМНИСТИЯНИ СЕНАТ ФАҚАТ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ, АММО...

Ўзбекистонда Сенат эълон қилган амнистия сиёсий маҳкумларга ҳам, ўз айбига иқроқ бўлмаган маҳбусларга ҳам бирор умид бермайди. Вазиятни яқиндан кузатиб келаётган инсон ҳуқуқлари фаоллари шундай фикрда. Амнистия бериш ваколатининг президентдан Сенатга ўтиши бирор муҳим ўзгаришга етакламайди, “қора рўйхат”даги маҳбуслар тақдири барибир Оксаройга бориб такалади, дейди улар.

Амнистияга оид бу қарор нафақат сиёсий маҳбуслар ёки уларнинг қариндошларида, балки қамокдаги сафдошларининг озодликка чиқишини кутаётган ҳуқуқ ҳимоячиларида ҳам умид учкунини уйғотмаган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов бу йилги амнистия ҳам ўтган йилгиларидан фарқ қилмаслигини, Сенат, шунчаки, қарор чиқариш билангина чекланаётганини айтди.

“Аввал президент қарори билан қабул қилинарди, яқин уч-тўрт йилдан буён Сенат қабул қиладиган бўлди. Лекин ҳеч нарса ўзгармаган... Сенат фақат қабул қилади, уларга тайёр матнни беришади, шу. Кимлар амнистияга тушади, қанчага қисқариши керак, қандай ишлар терговда тўхтатилиши лозим, буларнинг ҳаммасини бошқалар ҳал қилади”, – дейди Суръат Икромов.

Амнистия матнига кўра, ўта хавфли жиноят содир этмаган, 18 ёшгача бўлганлар, 60 ёшдан ошганлар, хусусан аёллар жазодан

озод этилиши керак.

Бу қоидалар бир неча йиллардирки амнистиянинг асосий тамойилидир. Қамокдаги сиёсий маҳбуслар орасида 60 ёшдан ошганлар ҳам, ўта хавфли жиноят сирасига кирмайдиган “айблов” билан жазога тортилган фаоллар ҳам кўп, аммо ҳукуматнинг “қора рўйхат”ига киритилгани боис уларга озодликка чиқиш имкони берилмайди.

“Ҳар йили қандай бўлаётган бўлса, бу йил ҳам шундай. Амнистияга тушмайдиганлар тушмайди, булар асосан диний мотивлар билан қамалганлар. 159, 216, 244-моддалар бўйича қамалганлар. Ҳукуматнинг қора рўйхатидагилар ҳам амнистияга тушмайди, яъни ҳуқуқ ҳимоячилари, журналистлар, тадбиркорлар...” – дейди Суръат Икромов.

Яқинда озодликдан маҳрум этилган ва “қора рўйхат”дан ўрин олгани айтиладиган фаоллардан бири муҳолифатдаги “Эрк” партияси фаоли Фахриддин Тиллаевдир.

У ўзига нисбатан қўйилган жиноятни – одам савдоси билан шугулланганликни тан олмайди. Март ойида ўтган суд муҳолифатчини 8 йиллик қамок жазосига ҳукм қилди. Унинг яқинлари амнистиядан эмас, одил судловдан умид қилишмоқда, ўз айбига иқроқ бўлмаган Фахриддин Тиллаев ҳамон қийноққа тутилаётгани айтилади.

“7 ноябрь куни Қашқадарёга бориб укам билан учрашдим. 97

килолик одам 50-60 килога тушиб қолган. 7 ой подвалда ётган Тоштурмада”, – дейди Фахриддин Тиллаевнинг ораси Дилором.

Дилором опанинг айтишича, Тиллаевни калтаклашган, уришган, бармоқларига игналарни тиқишган.

“У ўзини ўлдиришгача борган, фарзандларим, қариндошларимни ўйлаб ўзимни сақладим, дейди. Булар нима учун десам, улар бу ишни менинг бўйнимга қўйишмоқчи бўлишди, мен қилмаган ишимни қандай қилиб бўйнимга оламан, деб айтди”, – дейди Дилором опа.

Фахриддин Тиллаевнинг соғлиги ёмонлашгани, тиббий кўрикка, даволанишга муҳтож экани маълум.

Қўйилган айблов қандай бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистонда сиёсий маҳбусларнинг озодликка чиқиши кам учрайдиган ҳолат.

Баъзан “қора рўйхат”даги бу фаолларнинг озодликка чиқиши амнистияга эмас, балки уларнинг соғлиги ортикча қамок жазосини кўтара олмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Июнь ойида ҳуқуқ ҳимоячиси Абдурасул Худойназаров оғир касалликдан вафот этди. 2006 йилда товламачилик айби билан 9,5 йилга қамалган Худойназаров май ойида саломатлиги ўта оғирлашгани боис муддатидан аввал озодликка чиқарилган эди. Қамокда хасталикка чалинган ҳуқуқ ҳимоячиси озодликда бир ойга яқин яшади, холос.

Малик Мансур

АЛИШЕР СОИПОВ



«Мени кутаётир халоскор ўлим...»

Сизни изтиробдан қутқаргим келар, Олиб кетгим келар сизни узокка. Балки хотиралар бир кун чекинар, Қалбларни тарк этиб биздан йироққа.

Бугун эса улар бизни қийнайди, Ўтган ёруғ тунлар бугун – ғам-алам. Сизни ўзгаларга кўзим қиймайди, Начора, фалакка етмади нолам.

Бугун йўлларимда висолингиз йўқ, Ўтган кунлар эса дилни ўртайди. Мен сизни ўйлайман жуда узок, кўп, Бу ўйлар тубига етиб бўлсайди.

Ёдингизда бўлса, сизга гоҳида Хаётдан мен эрта кетаман дердим. Овутар эдингиз шунда беҳуда, Ниҳоясиз эди қалбимда дардим.

Бугун ўша дардлар Сиз билан тўлди. Сизни ҳам кўп кўрди бу телба олам. Бугун менинг сўнгги умидим ўлди, Энди бир кун менга тутарлар мотам...

Лекин сиз чекманг ҳеч беҳуда ташвиш, Умрим якунининг сабаби сизмас. Юртдошлар ўлимим қилсалар тафтиш, Изоҳлари эрксиз ватанга сиғмас.

Олиб кетгим келар Сизни узокка, Хўрликларга ватан бўлди бу макон. Агар кетолмасак ундан йироққа Бизни таҳқирлашга топарлар имкон.

Ваҳший ё мулойим хайвон сингари, Бири зўрлик қилар, бири – итоат. Бу юртда ҳеч бир иш юрмас илгару Бу юртга қаердан келсин Саодат.

Мени кутаётир халоскор ўлим, Кетаману, аммо виждоним оғир: Сизга бахт беришга етмади қўлим, Бирга кетмоқ эса мумкинмас, оғир.

Сизни изтиробдан қутқаргим келар, Олиб кетгим келар сизни узокка.

Алишер Соипов номаълум кимсалар томонидан 1997 йилда отиб ўлдирилган. У ўш шаҳрида нашр этиладиган "Сиёсат" газетаси муҳаррири эди. Шаҳид шоирнинг охирати обод бўлсин...

ЎШ ШАҲРИДА ЎЗБЕК РЎЗНОМАСИ

Ўш шаҳрида 19 ноябрда ўзбек тилидаги «Биз» газетининг биринчи сони босмадан чикди.

Бош муҳаррир Даврон Насибхоновнинг Би-би-сига айтишича, “Биз” нашри ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги муносабатларини тиклашни мақсад қилган “Ынтымак” телерадиокомпанияси томонидан таъсис қилинган.

Рўзнома ҳар икки тилда 1300 нусхадан чоп этиб борилади.

Даврон Насибхоновга кўра, «Биз» ижтимоий ва кўнгилочар рўзнома ҳисобланади ҳамда нафақат Қирғизистонда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳам ўз муносабатини билдириб боради. Унда жумладан, ҳозир долзарб бўлиб қолган Сурия ва Ироқдаги уруш масаласи, айниқса, Марказий Осиёдан жиҳодга кетаётган ёшлар муаммосига ўшлиқларнинг

фикрлари ҳам акс этади.

«Биз»нинг биринчи сони ўқувчиларга етиб борди, ҳозирча уларнинг муносабати ҳақида бир нарса дейишга эрта, лекин газетимиз ўз ўқувчиларини топиб, эътиборини қозонишга умид қилаймиз», – дейди бош муҳаррир.

«Рўзноманинг сотилиш нархи 8 қирғиз сўми бўлиб, бу аҳолининг сотиб олишига қийинчилик тугдирмайди. Қирғизистонда ҳозир шаҳар транспортда юриш 8 сўм ва ҳозирги шароитда бошқа нарсаларга солиштирганда газета учун бу нарх жуда арзон ҳисобланади. Муҳими одамларда ўқишга иштиёқни уйғотиш, улар хоҳлаган мавзуларни қизиқарли тилда ва профессионал тарзда етказиб бера олиш».

«Биз»нинг кўринишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Рўз-

нома рангли тарзда 8 саҳифада чоп этилади.

2010 йил воқеаларидан сўнг Қирғизистон жанубида ўзбек тилидаги нашрлар чиқиши тўхтаб қолган. Ўзбек тилида фаолият юритадиган телевидение ёпилганди.

Шу пайтгача Ўшда ўзбек тилида фақат битта, у ҳам бўлса кўпроқ ҳукумат нуқтан назарини ёритувчи «Ўш садоси» газети мавжуд эди.

2010 йилда Ўшда содир бўлган миллий низолардан кейин миллатлар ўртасида дўстликни тиклаш мақсадида 2012 йил «Ынтымак»-«Интимок» телеканали ўзбек ва қирғиз тилларида иш бошлади.

«Биз» муҳарририга кўра, ўзбек тилидаги янги нашр молиявий томондан «Интимок» телеканали ва рекламаларга таянади.

“Би-би-си”дан.

Ушбу
сонда:

“ТУРКЧИЛИКНИ АНГЛА-
ГАН, ҲИС ЭТГАН АВЛОД
ПАЙДО БЎЛИШИ КЕРАК...”

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК
ИЛДИЗЛАРИ
ҚАЕРДА?

«ФСБ РОССИЯНИ
ПОРТЛАТАЯПТИ»
МИ?..

БУГУНГИ
МАТБУОТДАГИ
АЙРИМ ТАМОЙИЛЛАР

» 2-БЕТ

» 4-БЕТ

» 4-5-БЕТДА

» 7-БЕТДА

Албатта
ўқинг!

Шоир ҳақиқатни гапирмай туролмайди. Шоирнинг ҳақгўйлигини улкан-улкан ёлғонлар орасида ўйлаб кўринг. Замоннинг зайлига боқ, кимнинг аравасига чиқсанг, ўшанинг кўшигини айт, дейдилар. Шоир ёлғондан, юзаки сохта кўшик айтишдан кўркади. Аниқроғи, шоирнинг ичидаги истеъдод кўркади ёлғондан. Чунки ёлғон – истеъдоднинг кушандаси. Қайси бир файласуф деган экан: “Кимки кўнгли ҳақ деб билган маънавий кадрятларга зид иш қилса, руҳий қуввати кучсизланиб, истеъдоди сўнади”.

Маили, ёлғонга озгина ён берай, жиндай-жиндай, дейдилар-у, аммо жиндаининг охири вой – руҳларини ўлдириб қўядилар. Ёлғон ёзган шоирнинг руҳи ўлади. Санъат, маҳорат бой берилмайди. Санъат – ўрганиладиган, машқ билан ҳосил қилинадиган нарса. Лекин руҳ ўлган бўлади.

Шоир синади. Буни синган шоирнинг ўзи ҳам билмаслиги, тўхтовсиз қулоч-қулоч шеърлар ёзавериши мумкин. Кейин билади. Ўшанда кеч бўлади. Балки кейинчалик ҳушёр ўқувчилар шоир шеърларининг руҳи ўлик эканини пайқайдилар. Ташқаридан боқсангиз, синган

одам. Бевовта бўлсанг, жаҳлинг чикса, мозорга бор, дейдилар. Мозорни бир марта айланиб чиққан кимсанинг ичидаги нафс итлари бир муддат ювош тортади. Санъат билан тиллашган кимса худди мозорни айланиб чиққан каби кўнгли маънисиз шовқиндан, кирчирдан фориг бўлади. Санъат билан мозорнинг орасида бир ажиб яқинлик кўраман. Ҳар иккисида ҳам ажодлар руҳи билан мулоқотга киришилади. Мозор сукунат, жимлик билан руҳни тарбиялайди, санъат эса мунг ёрдамида кўнглидаги касал туйғуларни даволайди. Санъат ҳам, мозор ҳам мияда босиқ ва илоҳий нурга чулганган мулоҳазалар пайдо этади. Кўчада бақариб-чақариб, ғийбату ҳасадга булғаниб юрганларнинг бари мозор ва санъатдан анча йироқ каслардир. Мозор. Энг яқин кимсаларинг ўша ерда ҳамма нарсани жим тинглаб ётгандек...

Бир дарахт. Сокин. Жим турибди. Ҳеч нарса демайди. Қайғули. Кўнгли шу дарахт томон интилади. Шу дарахт сизни кўпроқ тушунадигандек. Вағиллаб юрган, хиринглаётган одамлар бояги дарахтнинг ёнида пасайиб кетади. Дарахт жуда ақлли кўринади. Кўп нарсани биладигандек. Зарур бир гапни айтмоқчи бўлаёт-



юборганман. Шеър ёзишимга халақит бермоқчи бўлгани ҳам бор эди. Ёдимда бор. Мен ишлаяпман, дердим. Китоб ўқиш, таржима, шеър ёзиш – ҳаммаси ишлашимга кирарди.

“Ишлайман дейсиз, китоб varaқлайсиз, ишлайман дейсиз – оқ коғоздан бош кўтармайсиз. Сиз ҳам мундай одамларга ўхшаб пул тўланадиган иш қилсангиз бўлмайдими?” дерди биттаси. Бечора азбаройи қийнал-

Азим: “Рауф ака, битта шеър ўкиб берай. Зўр шеър ёздим”, деди. У роҳатимни олдиндан бузиб қўйди. Олдиндан ўзининг шеърини зўр деди. Ўша зўр шеърдан олишим мумкин бўлган завқдан мени маҳрум этди.

“Фақат шоир ҳақли бахтсиз бўлмоққа...”

Ички бир туйғу билан сезганман:

БҮЮК ТҮРК-ЎЗБЕК ШОИРИ-РАУФ ПАРФИ:

"ТУРКЧИЛИКНИ АНГЛАГАН, ҲИС ЭТГАН АВЛОД ПАЙДО БЎЛИШИ КЕРАК..."

шоирнинг ҳамма нарсаси бут: хотин-халажи, уй-жой ва ҳоказолар.

Шеър ҳам бор. Тахминан, ўртамиёна шеърлари бор. Аммо шеърда руҳ йўқ, руҳ ўлган.

Мен ХХ асрда ўлдирилган ўзбек шоирларини ажратиш олдим. У ёғи жуда ҳам даҳшат. Ҳамма замонларда шоирларни отганлар, осганлар. Шеър ёзган одам ўлдирилаверган. Давлат томонидан ўлдирилган. Аммо ҳамма замонларда чин шоирлар ўз замонларига муҳолиф бўлиб яшаганлар. Энг мурасасиз одам – шоир. Лекин шоир оддий одамлар ва уларнинг оддий бўлмаган дардлари билан мураса қилади, у подшолар билан чиқишмайди.

Жунайдулла Ҳоziқни олайлик. Ўта камбағал, бениҳоя ночор кун кечирган. Шуниям сувга чўктириб ўлдирганлар. “Сувнинг ичидан чикма, шу ерда кўппос тегиб ёт”, деб бошидан босишган. Аслида, у бир нарсани гапираверган, гапираверган. Шу боис уни ўлдирганлар. Шеърят пайдо бўлиб, кишилар сўзни кофия билан айта бошлаган кундан буён шоирларнинг бошида калтак синади. Ҳар бир одамнинг Аллоҳга мурожаат қиладиган пок бир макони – жойна-мози бўлиши керак. Оқ коғоз – шоирнинг жойна-мози. Оқ коғозни булғанган шоир иймонидан айрилади, Аллоҳни унутади. Санъатнинг барча турлари – мусиками, рассомликми, шоирликми – барчаси Аллоҳга муножот шаклидир. Шеър ёзиш – покланиш дегани. Покланишга доим тайёрман...

Санъат – ўлимни тезроқ ва таъсирлироқ англашиш воситаси. Мен ўйлайманки, санъат билан шуғулланадиган одам – ўлимга энг яқин

гандекми...

Ўлим хабари кўнглимни ёмон бузади. Бир аёл бўларди. Кавказ томонлардан келиб қолган. Бирга тушлик қилардик. Ўша аёл оламдан ўтибди. Бир танишим шундай хабар келтирди. Ҳеч кутмаганман. Дарров кўнглим бузилди. Кун бўйи бу ўлим хабари кўнглимни бевовта қилди. Кейин шеър ёзим...

Мен қизларга мана бундай маслаҳат берган бўлардим: “Қизлар, санъат аҳли орасидан хофизларга турмушга чиқинг, ўшаларни севинг. Ҳофиз бир жойга бориб ўнта одамнинг кўнглини хурсанд қилади-да, санъати учун олган ҳақини қўлингизга топширади”.

Менинг ёруғ дунёдаги барча оғир фожиаларимга оила сабаб бўлган. Нафратланган бўлсам - оила сабаб, ёнган бўлсам - оила сабаб. Оила мен учун биринчи ўринда. Шоир деганлари оила курмаслиги керак, деган бир ўй ҳам бор. Оилали одам шеърдан узоқроқ бўлгани маъқул. Мен шоир эдим, мен таслим бўлдим: оила курдим.

Аёлларим билан жисмоний яшадим. Ҳеч қайсиси билан руҳоний яшамаганман. Руҳим, фикрим шеърда эди. Балки шеър сабабчи бўлгандир оилавий фожиамга. Севган аёлларим бор эди. Бари ёдимда. Эсламан. Лекин уларнинг исмини айтиш ноқулай: уларнинг ҳаммаси ҳозир тирик. Аёллар шеърларимнинг ичида. Текширган одам, албатта, топади. Мен аслида идеалимдаги аёлни севганман, шунга топинганман. Ҳаётда учратган аёлларим ичимдаги идеал аёлнинг тимсоллари эди.

Мен аёлларимнинг барини кечириб юборганман. Мен уларни жуда ёмон кўриб қолганим учун бутунлай кечириб

ганидан шундай дерди. Шу даражада кийнаб юборибман. Бечора бардош беролмаган. “Шу билан яшайманми, абадий яшайманми?” деб ўйлагандир...

Шеър ёзишдан нафратланган пайтларим бўлган. Рост, бўлган. Шеър ёзолмай қолган дамларда шундай ҳис кечгандир. Аммо кўнглида уйғонган илҳом нафратни ювиб кетарди. Дунёда шоирлар кўп, қатта-қатта кутубхоналар бор, шуларни ўкиб бемалол яшаса бўлади-ку! Нега мен шеър ёзишим керак? Мияда шубҳали саволлар кўп. Аммо Твардовскийнинг гапи бор: “Толстой бўлсанг – ўзингга, мен ҳам шоирман”.

Одамлар кучли, бақувват бўлади. Дарахтларни кесадилар, тошларни ўрнадан силжитиб, ҳар томонга отадилар. Кучли кимсалар одамларни бир-бири билан уриштириб, жанжал чиқариб, давлатни бошқарадилар. Кучли одамга най чалаётган шоир керак эмас. Най чалаётган одам унга ниҳоятда қулгили туюлади. Китнинг назарида, кучли одам шеър ёзмаслиги керак.

Бошқа ишнинг бошини тутсин. Чала-чулла туғилган, касалванд, кўнгли бўш, сал гапга кўзига ёш оладиган, ҳамма нарсани кечирадиган шоирлар, шоиртабиатлар кучли одамнинг ғашини келтиради. Ҳар қандай одам қилаётган ишидан завқ олмаса, кўнгли хижил бўлади. Завқ олиш ижодий жараёни бошдан кечириш дегани. Завқланиш жараёни қизиқ. Завқнинг охири қизиқ эмас. Завқнинг охири уйқу бўлиши мумкин.

Мен ҳеч қачон ёзганларимдан қаноат ҳосил қилмаганман, кўнглим тўлмаган. Ижоднинг энг даҳшати ва фожиаси ҳам шу. Эсламан, Усмон

жуда кўп нарсани ҳис этиб, англаб турган зотнинг ҳаёти қийин кечади. Ҳаётни жуда қисқа қилиб бўлиб олиб, бу ёғи меники, нариги ёғи билан ярим тийинлик ишим йўқ, дейдиган одам бахтлидир. У ўзини улкан фожиадан ажратиш олади. Уйга кириб эшикни ёпди, ўша ондаёқ дунёни унутди. У – оддий одам. У ҳайвон каби бахтли. У ўз қалбини ўлимга ҳукм этди. Санъаткорнинг ҳислари, ҳатто уни қамаб қўйсангиз ҳам ташқарида юради. Санъаткорнинг миясида олам фожиаси айланади.

Фикрлайдиган, кўнгли нозик маъно, ишораларни англайдиган инсонлар ҳар доим ва ҳар жойда хор этилган. Инсонларнинг юрагини оғритадиган нарсалар бор экан, билинги, шоирга тинчлик йўқ, омонлик йўқ. Ёлғизлик – тинимсиз ўлим ҳақида ўйлашдир. Шоир чин ибодат – ўлимни эсдан чиқарган золимлар учун ҳам оғир ўйлар суради. Яъни, ўлимни ўйлайди.

Мен жуда ёшлигимдан ўлимни кўп ўйлардим. Бувим, нега манави ишни қилмадинг деб қойиса ҳам, ўзимни ўлдириб қўя қолсаммикан, деган фикр келарди миямга. Кимдир ҳақорат қилди, унга муносиб жавоб қайтара олмайсиз, кучингиз етмайди, шунда ўлимни ўйлайсиз. Э-э, даҳшат...

Дадам жуда кўрқоқ одам эди. Умрининг охиригача саводсизман, деган. Лекин у араб, форс тилларини яхши биларди. Саводим бор деб айтишдан чўчиган, кўрққан. Дадам шеър йўлига киришимни биларди. Чунки мен доим Абдурахмон Водилийнинг ёнида юрардим. Абдурахмон Водилий – қатта шоир, сўфий. У

(давоми 3-бетда)

(давоми, боши 2-бетда)

менга дадамнинг тарихини, келиб чиқишимизни, насл-насабимизни кўп гапириб берарди. Ўттизинчи йилларда қариндошларимнинг бари отилган, ўлдирилган.

Уйимиздан бир хумча олтин топиб олишган. Яна бормикан деб боғу роғларимизни ҳам ағдар-тўнтар қилиб юборишган. Уй эгаларининг бари отилган, узокларга бадарга этилган. Дадам бир амаллаб Қовунчи (Янгийўл)га кўчиб келган. Дадам мени жуда қаттиқ эркалатган. Ёлғиз ўғил эдим. Истаган нарсамни олиб берарди. Агар истаганимни олиб бермаса, қўлимга қайчини олиб, “кокилимни кесиб ташлайман”, дердим. Бошимда иккита кокилим бўларди: бири Ўш пиримга, иккинчиси Шохимардон пиримга аталган.

Дадам мени ҳеч қачон урмаган, чертмаган, ҳатто сенсирмаган ҳам. Мен онамни яқингача сенсирар эдим, бувим мени сизлар эди.

Дадам ўзича мени одам қиламан деб ўйлаган, қаёққа борса, ўзи билан бирга олиб юрарди. Машинада бир узок ёққа кўчат олиб келгани борганимизни эслайман. Бир гал яна қаёққадир борганимиз. Машинада узок юрдик. Мен кичкинагина боламан. Йўлдаги ҳар турли нарсаларга қарайвериб кўзим юмилмайдиган бўлиб қолган. Уч кун кўзим юмилмаган. Қандай тизатганлари ёдимда йўк...

Олтмишинчи йиллар. Қатагон этилган шоирларнинг ижоди билан таниша бошладик. Чўлпоннинг асарларини яширинча ўқиганларимизни эслайман. Шундан кейин миямда “Турон, Туркистон” каби сўзлар уйғонди. Ватанни – чин ватанни таниш жараёнини сўз билан гапириб бериш қийин. Фикрлар аста-секин келган, ҳислар секин-секин кечган. Кўнгилда гиря кучайиб борган.

Ҳозирда бўлак-бўлак бўлиб кетган туркийлар ўзларининг турк эканини ҳис этмасалар, туркий дунё нураб, кучсизланиб бораверади. Катта бир куч беркиниб ётибди. Халоскор куч. Уйғотиш учун турк эканимизни англаш кифоя... Агар бирлашмасак урф-одатимизни ҳам, санъатимизни ҳам бошқаларга ўткази олмаймиз.

Рус босқинидан сўнг турк сўзи қувғинга учради. Ҳозир ҳам чет элда яшаётган қавмдошларимиз ўзларини турк деб ҳисоблайдилар. Босқинчилар бизни жисмонан енгди, аммо руҳимиз мағлуб бўлмади. Наполеон айтган: “Туркни балки ўлдириш мумкин, лекин уни енгиб бўлмайди”. Турк дунёга бойлигини, энг кучли одамларини берди. Исломи арабларга берилди, аммо уни амалга айлантириш туркларга топширилди. Турк эканлигимизни англашга интилиш зарур. Тараққиётнинг қалити шу.

От айланиб қозигини топади

Дадамнинг дўстлари кўп эди. Бари эски жадидлар. Ўлмади қолган. Ҳаммаси билимдон, дунё миқёсида фикрлайди. Адабиёт билан шуғулланади. Аммо барчасининг бошига қулфат тушган: замон уларнинг қўлини кесиб ташлаган. Уларнинг барида шакланган туркчилик туйғуси бор эди. Водилий ҳақида гапирдим. Унинг учун турк эканлигини англаш бахт эди.

Абдал ака дегани бўларди. 1944 йили Қримдан кўчирилган. У тўрт ёшимда менга ўрис ҳарфларини ўргатган. Буларнинг бари онгимга кучли таъсир қилган. Энди билсам, кўнглимда ватан туйғусини шакллантирган нарсалар шуларнинг қисматлари ва ҳикоялари экан. Шиорлар, газеталар, мактаб дарсликлари орқали миямизга сингдирилган ватан қиёфаси онгимга узок ҳокимлик қилмаган...

Ҳозирги шеърят жамиятга катта бир ҳақиқатни олиб киришга уринмаяпти. Янги бир авлод пайдо бўлиши керак. Туркчиликни англаган, ҳис этган авлод. **Янги шеърят янги ижтимоий руҳ билан келади. Келаётган янги ижтимоий руҳ – бу туркчилик. Шеърятимизни туркчиликни англаш руҳи янгилайди. Шу руҳни ҳодисага айлантирган шоир – катта шоирга айланади. Туркчилик руҳи Навоийдек катта бир шоирни туғади.**

Манба: *dunyouzbeklari*

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ САФЛАРИДА 300 ДАН ОРТИҚ ҚОЗОҒИСТОНЛИК БОР

Қозоғистон махсус хизматларига кўра, юзлаб қозоғистонликлар Ироқ ва Суриядаги «Исломий Давлат» гуруҳи сафларида жанг қилмоқда.

Қозоғистон Миллий Хавфсизлик Қўмитаси матбуот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, 300 дан ортиқ қозоқ фуқаролари Исломий давлат жангарилари саналади.

«Улар «Қозоқ жамоати»ни тузишган. Бу 300 кишининг ярми аёллардир», - дейилади Миллий Хавфсизлик Қўмитасининг расмий веб саҳифасида эълон қилинган баёнотда.

Қозоғистон махсус хизматлари радикал диний оқим вакиллариининг ёшлар орасида экстремистик ғояларни ёйиб, уларни ИД сафларига ёллаш мақсадида МДХ давлатларига кириб келаётганидан хавотир билдирган.

«Яна бир хавотирга солувчи жиҳат ёшларнинг интернетда чоп этилган айрим материаллар таъсирида ўз-ўзидан радикаллашувидир», дейилади баёнотда.

Қозоғистон Миллий Хавфсиз-

лик Қўмитасига кўра, гарчи МДХ давлатлари «Исломий давлат» фаол бўлган давлатлар билан чегарадош бўлмаса-да, ташкилот МДХ давлатларига жиддий таҳдид солади.

Жангари гуруҳ сафларининг айниқса, МДХ фуқаролари хисобидан тўлиб бораётгани, қозоқ махсус хизматлари назарида алоҳида хавотир уйғотади.

Баёнотда айтилишича, Қозоғистон ўз фуқароларининг Ироқ ва Суриянинг ИД босиб олган ҳудудларига сафар қилишларининг олдини олишга қаратилган чораларни кўрмоқда.

Ироқ ва Суриянинг йирик ҳудудларини назорат қилаётган «Исломий давлат» сафларида кўплаб марказий осиеликларнинг борлиги айтиб келинади.

Аммо уларнинг сонига оид рақамни қозоқ расмийлари илк бор эълон қилишмоқда.

Бундан аввал Қирғизистон ўзининг ўнлаб фуқаролари Суриядаги жангларда иштирок этаётганини айтган эди.

Интернетда ўзбек тилида сўзлашувчи жангариларнинг

видеолари ҳам пайдо бўлган, аммо ИД сафларида жанг қилаётган ўзбекистонликларнинг сони борасида расмий рақамлар йўқ.

Шу ой бошида Ўзбекистон ҳукуматининг Дин ишлари бўйича қўмитаси ораларида марказий осиеликлар ҳам бўлган «экстремистлар янги беқарорлик ҳудудларини келтириб чиқаришларидан» хавотир билдирган.

Қўмита веб саҳифасида эълон қилинган баёнотда «Исломий давлат» Қуръон оятларини ўзича талқин қилиб, «Ҳижрат» ва «Жиход» тушунчаларини илгари сураётгани ва ҳарбий тўқнашувлар ўчоқларига одамларни жалб қилаётгани айтилган.

Ўтган ой Президент Исломи Каримов Яқин Шарқдаги «янги ва янги жангари гуруҳлар» таҳдидидан огоҳлантирган эди.

Халқар инсон ҳақлари ташкилотлари Марказий Осиедаги яққоқим президентларнинг репрессив тузумлари аҳолининг радикаллашувига ҳисса қўшаётганини айтишади.

“Би-би-си”дан.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ИЛДИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

...Эркин сайловлар йўқлиги боис маҳаллий кланларнинг тил топишиши муҳим саналади

Тошкентлик блоггеримиз Усмон Тегирмончининг ёзишича, сўнгги пайтларда пойтахт бозорларида вилоятлардан келган тужжорлар билан маҳаллий савдогарлар ўртасида оммавий муштлашувлар кўпайган.

Кузатувчиларга кўра, бир қарашда маишийдек кўринган бу каби жанжаллар аслида ўзбек жамиятида чуқурроқ илдиз отган муаммо-маҳаллийчиликка бориб тақалади.

Ўзбекистонда маҳаллийчилик очик муҳокама қилинмайди ва мамлакат Жиноят Кодексида маҳаллийчилик учун жазо белгиланмаган.

Аммо маҳаллийчилик ижтимоий муносабатларда муҳим ўрин тутуши ва давлат тизимлари ҳамда бошқарув институтларига чуқур кириб борганини ҳеч ким савол остига олмайди.

Сўнгги йилларда ўзбек журналистлари давлат матбуоти, хусусан, телевидениедаги маҳаллийчиликдан шикоят қилишган.

Таҳлилчиларга кўра, ҳокимият меросхўрлиги масаласи долзарб бўлган Ўзбекистонда эркин сайловлар бўлмагани боис сиёсий барқарорлик кўп жиҳатдан маҳаллий кланларнинг ўзаро тил топишишларига боғлиқ бўлиб қолади.

Ўзбек жамиятида маҳаллийчилик қанчалик илдиз отган, деб ҳисоблайсиз? Маҳаллийчилик

конун йўли билан тақиқланиши ва жазоланиши керакми?

Мавзу муҳокамаси Фасебоокдаги ББС Ўзбек саҳифасида:

Фарғона Ахборот: Ўзбекистонда маҳаллийчилик мактабдаёқ бошланади. Болалар кўчасига, маҳалласига қараб бирлашадилар. Кейин бу иллат институтларда давом этади. Маҳаллийчиликнинг хунук шакллари институтда ўқиб юрган кезимизда студентларнинг ФАН (Фарғона, Андижон, Наманган) ва Сурқаш (Сурхондарё, Қашқадарё) бўлиб бўлингиларини, бири-бирларининг устига юриш қилганларининг устида ўзим ҳам бўлганман. Айни пайтда вилоят марказлари бўлган шаҳарлардаги деярли барча ташкилот ва муассасаларда шаҳарликлар ва районликларга бўлинишлар мавжуд. Қайсидир район вакиллари кўпроқ, бошқасиники озроқ. ИИВ тузилмаларида ҳам худди шунақа нарсаларни кузатиш мумкин. Албатта маҳаллийчиликни иллат деб санайман, чунки юқори лавозимга иқтидорли инсон муносиб топилмай, ҳамшаҳар, элат, ҳамқишлоқлар «қўйилади». Бу эса чуқурроқ ўйлаб кўрилса, давлат манфаатларига футур етказишнинг ўзгинаси. Албатта бу иллатни йўқ қилиш зарур. Бу ерда шарҳ қолдираётган мунозара иштирокчилари маҳаллийчиликни йўқ қилиш бўйича қандайдир конструктив таклифларни беришларига ишончим комил...

Абдужалил Бойматов: Миллатларнинг шаклланиши капитализм билан боғлиқ. Тарихда 17-асрда Голландия ва Англияда ёлланма меҳнатнинг кенг тарқалиши билан капиталистик муносабатлар ривожланиб буржуа инқилоблари рўй берди. Капиталистлар учун бозор керак. Бозор қанча катта бўлса шунча яхши. Капитализм маҳаллийчиликка барҳам беради. Ўзбекистонда капиталистик муносабатлар СССР парчалангандан кейин ривожлана бошлади. Дунё бўйлаб глобаллашув жараёни кетмоқда. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши билан Ўзбекистонда ҳам маҳаллийчиликнинг роли камайиб боради. 23 йил давомида маҳаллийчилик анча камайди деб ўйлайман.

Умида Аҳмедова: Абдужалил аввал маҳаллийчилик бўлмаганми? Мени укам Армияда хизмат қилиб юрганда (совет даврида) «Ўрислар хафа қилишмаяптими?» деб ёзганимда «Бе, опа, биз хоразмликлар билан кўп уришамиз», деб жавоб қайтарган эди.

ББС Ўзбек: «Инсон ўзини энг аввал Ўзбекистон фуқароси, шундан кейингина хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийсининг аҳолиси деб ҳис қилиши лозим». Исломи Каримов.

Махсуд Абдуҷаббаров: Великие слова Вот только посол Узбекистана в РФ вотэто ему бы знать...

(давоми 4-бетда)

(давоми, боши 3-бетда)

Латофат Тўйчиева: Тўғри аввало ўзбеклигини англаши лозим...

Олима Набиева: Аслида маҳаллийчилик ҳамма жойда бор. Лекин улар жамият ва давлат бошқарувининг қайси қатламларида ва қай шаклда кўринади, шуниси муҳим. Масалан, Швейцарияда цюрихликлар ва базелликлар ўртасидаги маҳаллийчилик низолари маиший масалаларда кўринади.

Чунга Чанга: Гилам сотсанг кўшинингга сот, бир четиди ўзинг ҳам ўтирасан. Халқимизни қониди бор бу нарса. Қонун остига олиб бўлмайди. Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик таркиби йўқ.

Умида Аҳмедова: Бир куни Тошкентда иккита кизни суҳбатини эшитиб қолдим «вай, қишлоқи эканми, вай...». Роса ҳайрон қолгандим ўшанда. Маҳаллийчилик афсус ўзбекларни қонқонига сингиб кетган.

Намоз Нормўмин: Ўзбекистондаги тоталитар режим барча муаммолар каби ватанизмдаги миллатчилик ва маҳаллийчилик каби қадимий ва доимий муаммоларнинг устини ёпиб келмоқда. Аммо бу «ёпиш» бу муаммоларнинг ҳал бўлгани маъ-

носиға ҳам келмаслиги керак. Аксинча бу яралар қанчалар яширинса шунчалик газаклаб бормоқдалар. Интернетинг ижтимоий тармоқларида Қорақалпоғистонликларнинг Ўзбекистонда айрилиши, тожик аҳоли сонининг республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилиши ҳақида жамиятни ва давлатни бўлиб ташлашга қаратилган иғво моҳиятидаги хабарлар тарқатилмоқда. Бошқа томондан ҳокимиятнинг олий тармоқларида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси кланларининг ўзаро қураш олиб бораётгани ҳам жамоатчиликка сир эмас. Албатта буларнинг барчаси юқорида айтилгани каби тоталитар режимнинг аҳолига барча соҳаларда тазйиқ ўтказишининг, жамиятда инсон ҳуқуқларига ва ошқораликка риоя қилинмаслигининг, матбуот ва сўз эркинлиги тамоман цензура қилинишининг, аҳолининг илмий ва имоний даражасининг исталган даражада эмаслигининг натижасидир. Бу диктаторлик режимининг ўрнига моддий ва маънавий кадрларнинг мутаносиблигини таъминлайдиган, жамият ва давлат ҳаётида қонун ва ҳуқуқнинг устуңлигини таъминлайдиган, шахсларга барча соҳаларда ҳуқуқлар, тадбиркорлик

ва тижорат эркинлигини берадиган, турли миллат ва айни қавмга оид барча маҳаллий ва қабилавий вакилларнинг тинч-тотув яшашини таъминлайдиган янги жамият қурилиши шартдир.

Иззатилла Раҳматиллаев: Ўзбекистон буйича бирор нарса дея олмайман. Бирок Қирғизистонни келажакда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, миллатчилик барбод қилади, деб уйлайман. Сабаби қирғиз жамиятида мен юқорида ёзган нарсалар кенг тарқалган. Бу уч фактор давлат томирига болта уради.

Олима Набиева: Кузатишимча, ғарб мамлакатларидаги маҳаллийчилик маиший ҳаётдаги кундалик масалаларда акс этади. Ўзбекистонда эса кўпчилик талабалар йилларидаги маҳаллийчиликдан гапирди. Лекин, назаримда 90-йилларнинг бошида маҳаллийчилик 70-80 йиллардагига нисбатан бироз қамайгандай эди. Бу менимча, ўша йилларда жуда долзарб ягона миллий ғоя - мустақиллик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ақбаржон Сирожиддинов: Маҳаллийчиликнинг келиб чиқиши сабаби нимада? Бу борада эксперт эмасман, лекин уйлашимча, инсонларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, у еки бу нарсаларга муносабати ва ҳоказолардаги

фарқлиниши билан боғлиқ. Мисол учун, ҳозир эслаб қарасам, бир қишлоқ билан иккинчи қишлоқ ҳам ўзаро чиқиша олмас эди, болалигимда. (Ҳозир ҳам шундай бўлса керак.) Чунки мен яшаган қишлоқ болалари билан атиги ярим чақирим наридаги қишлоқ болалари ўртасида яхшигина тафовут бор эди, назаримда. Кейинчалик Тошкентда ўқиган пайтларимда бошқа вилоятлардаги ёшлар билан ўртамаздаги тафовут янада каттароқ эканини кўрдим. Ўз-ўзидан дунёқарашида уйғунлик бўлганлар бир-бири билан яқинлаша бошлайди. Шу залда маҳаллийчилик келиб чиқади.

Энди бунга йўқотиш учун нима қилиш керак? Бу жуда мушкул иш. Бунинг учун агар Ўзбекистонга бошқа юртлардан бошқа миллат вакиллари минг-минглаб келиб, ўзбеклар ичига аралашиб кетса, бир вилоят билан бошқа вилоят аҳолиси ҳам бир-бирлари билан қиз олиб, қиз бериб аралашса, яна оммавий ахборот воситаларида бу масалалар очик-ойдин кўтарилиб, нуқсонлари кўрсатилса, балки ижобий томонга ўзгаришлар бўлар...

Би-би-си Ўзбек хизмати.

КИБАТЕК АДАБИЁТ БАЙРАМИ



2014 йил 5-9 декабрь кунлари Туркиянинг Измир шаҳрида Кибатек (Қибриз, Ирок, Балкан, Авраазия ва турк адабиётлари) халқаро дарнаги – жамиятининг адабиёт шўлани – байрами бўлиб ўтди. Кибатек - Қибриз, Ирок, Балкан, Авраазия ва турк адабиётлари халқаро дарнаги 1997 йили Фаёз соғлом, Камол Байзоқ, Мевлут Қалқон, Шабан Қалқан сингари олим, шоир ва зиёлилар томонидан тузилган бўлиб, йилда икки бор дунёнинг турли туркий мамлакатларида адабиёт йиғилишлари ва мушоиралар ўтказиб туради. Бугунги кунда ташкилотнинг 38 турк мамлакати ва қавмларини тамсил этувчи 100га яқин аъзолари мавжуд. Бу йилги йиғилиш халқаро

дарнакнинг 35-тўплантиси бўлиб, унда профессор, доктор Таййор Салом ўғли (Озарбайжон), профессор доктор Шавкат Ўзгур (Қибриз), Мелинда Баталич (Босня Ҳарсак), Сежааттин Кока (Косова), Айшегул Йарғин (Қирғизистон) ва бошқалар ўз марузалари билан қатнашди.

Муҳокама ва мушоираларда Олим Тожиев (Озарбайжон), Ботир Норбой, (Ўзбекистон), Ҳасан Аҳмад (Босня Ҳарсак), Сўфия Тодокова (Булғористон), Азиз Сарбаст (Косова), Лидия Жхерич (Рум), Муртазо Тузли (Ирок) ва Ахиска турки Воҳид Чироқ каби кўплаб олим ва шоирлар чиқишлар қилишди. Турли жойларда бўлиб ўтган учрашувларда шоир ва ёзувчилардан Ҳасан Эрол, Урол Фаик Бирлик, Шукру Айдин, Шефаат Аҳмад, Хаяш Кескин, Лейла Ишик ва бошқа биродарларнинг чиқишлари ҳам мароқли бўлди.

Шунингдек, Босня Ҳарсакнинг фахрий бош консули Камол Байзоқ, Кибатек қурувчиларидан Фаёз Соғлом, Мевлут Қалқон, Гўзин Оралкан,

Шабан Қалқан қабиаларнинг жамиятни тузилиши ва тарихи билан боғлиқ хотиралари ҳам қатнашчиларда яхши таассурот уйғотди.

Ҳар бир учрашувда Кибатек аъзолари ва меҳмонлари ўртасида ўзаро эсдалик совғалари улашилди. Измирда беш кун давомида бўлиб ўтган адабиёт байрами иштирокчилари Маниса шаҳрини, Юнус Эбро шаҳарчасини, Жалолдин Румийнинг ўғли отаси хотираси учун қурган тасаввуфчилар мадрасасини ҳаяжон ила томоша қилишди. «Измир», «Яқин шарқ» номидаги университетларда, шунингдек, Юнус Эбро ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувлар жозибали бўлди. Измир университети ректори Қайҳан Ержейиш ўзига тақдим этилган китоб ва эсдаликлар учун миннатдорлик билдирад экан, улар кутубхона ва музейларининг азиз экспонатлари бўлиб қолишини урғулади. Байрам қатнашчилари Измир ва Манисадаги қатор музейлар, диққатга сазовар обидаларни томоша қилишаркан, Туркиянинг буюклигига, турк халқининг меҳмондўстлигига тасаннолар айтишди.

Кибатекнинг 35-йиғилишини бу жамиятнинг бошлиғи, профессор Фаёз Соғлом ва дарнакнинг бошқа фаоллари бошқариб боришди...

Ўз мухбиримиз.

"ФСБ РОССИЯНИ ПОРТЛАТАЯПТИ" МИ?..

АҚШда яшовчи тарихчи Юрий Фельштинский Александр Литвиненко билан ҳаммуаллифликда ёзган «ФСБ Россияни портлатаяпти» номли китоби чоп этилгач, Россияда Владимир Путин шакллантирган сиёсий системанинг кучли танқидчиси сифатида тан олинди. 1999 йилда одамлар яшайдиган уйлари портлатилиши сабаблари тергов қилингандан кейин юзага келган мавзунини Фельштинский ўзининг сиёсатшунос

Владимир Прибиловский билан ҳаммуаллифликда ёзган «Корпорация: президент Путин давридаги Россия ва КГБ» номли навбатдаги асариди ривожлантирди.

Свобода (Озодлик) Радиосига берган интервьюсида Юрий Фельштинский Украинада кейинги ярим йил ичида содир бўлган воқеалар Путин режими характериға қандай таъсир кўрсатди, деган саволга жавоб берди:

– Ҳеч бўлмаганда мартдан

бошлаб кузатилаётган сиёсий ҳатти-ҳаракатлар ташаббуси, улар қандай аталишидан қатъий назар – агрессиями ёки озод қилиш миссияси – Россия томонидан бўлди. Дунёнинг бошқа қисми эса титраб-қақшаб Москванинг бу ҳатти-ҳаракатиға қандай ёндошиш кераклигини тушунишга ҳаракат қилаяпти. Биз ҳозир дуч келган нарсани Европа 1945 йилдан бери кўрмаган, яъни Европанинг бирор давлати қўшниси худудининг

бир қисмини босиб олишидек вазиятни Европа аллақачон унутиб юборган. Барча бу воқеалар Путин режимининг ўзига қандай таъсир этди?

Биринчи навбатда – йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳаракатлар планкаси анча юқорилади. Биз илгари глобал (оламшумул)дай кўринган Россия муаммоларига ҳозир Россия сиёсатининг бутун дунёга нисбатан жиддий ўзгариши билан боғлиқ бўлган майда-чуйда нарсаларга

карагандай қарамоқдамиз.

1989 йилдан бошлаб, айниқса 1991 йилдан кейин Россия цивилизациялашган (ривожланган, маданийлашган) дунё томон стратегик ўғирилди. Ҳечам цивилизациялашган деб айтиб бўлмайдиган Горбачёв қўл остидаги Совет Иттифоқи, ундан кейин эса Россия Европа томон ўғирилди ва Европа цивилизациясининг бир қисмиға айланишга ҳаракат

(давоми 5-бетда)

(давоми, боши 4-бетда)
қилди. Бу давр – турли шартлар, тўхташлар, жанжаллар билан бўлса-да, тахминан 2000 йилгача давом этди ва Россия барибир ўзини Европа цивилизациясининг бир қисмидай кўрди. 2000 йилдан кейин менга ўхшаган скептик (гумон билан қаровчи)лар Россия давлати тепасига КГБ (Давлат хавфсизлиги комитети)нинг собиқ мулозимлари келгани муносабати билан бонг ура бошлади. Бу скептик баҳолар ҳақиқат бўлиб чиқди. Бундан-да ёмони – улар қандайдир маънода пасайтирилган ҳақиқат эканлиги билинди, реаллик эса энг ёмон хавфсирашдан ҳам ёмон бўлиб чиқди. Энди Путин Европа ва АҚШ билан унинг учун табиий бўлган тилда гаплашишда ўзига эрк бера бошлади. Афсус-ки, бу тил билими кучли бўлмаган КГБ зобитининг тили эди.

Бугун Путин ўз олдига Европа мамлакатлари ва цивилизациялашган дунё лидерлари билан бир стол атрофида ўтириш масаласини қўяётгани йўқ. Унинг вазифаси – бутун дунё билан куч позициясида туриб гаплашишга айланди ва шу маънода Путинга демократик лидерлар даврасида аъзоси бўлиб қоладими-йўқми – бунинг унга қизиғи йўқ. Тушунарли-ки, гап очик, глобал уруш ҳақида бормайётган пайтда улар Путин билан учрашаврадилар, гаплашаврадилар, бироқ Россия лидерини бир-бирига табассум билан қараб гаплашадиган лидерлар даврасига энди, албатта, кўшмайдилар. Шу маънода, афсус-ки, Путиннинг йўкотадиган нарсаси йўқ. Энди у Европа ва АҚШ билан ўзи учун табиий бўлган тилда гаплашишда ўзига эрк бериши мумкин. Афсуски, бу тил билими кучли бўлмаган КГБ зобитининг тилдир.

– **Агар шундай бўлса, айтинчи, Россия сиёсатидаги стратегик ўзгаришда нима асосий ролни ўйнади? Украина инқирози – бу Кремль зодагонларининг қўшни мамлакатда бўлаётган воқеалар ривожига бўлган вазият эътибори ми ёки бу кўпроқ Путин режимининг мутацияси ўзгаришининг мантикий натижасими?**

– Биринчидан, биз Россиядаги зодагонларни унутишимиз керак. 2004 йилдан олдин Россияда зодагонларнинг янги синфи шаклланди ва бу зодагонлар ҳарҳолда, яхшимий ёмонми давлат бошқарувида қатнашишга алоқаси бўлган, дея гумон қилиш мумкин эди. Ҳозир эса Россияда ҳеч қандай зодагонлар йўқлиги тушунарли бўлиб қолди. Ҳозир Россияда етарлича кучли қурилган ҳокимият

вертикали мавжуд. 15 йиллик йўлнинг охирида Россияда бор нарса – диктатурадир. Бу сталинча кўринишдаги диктатура эмас, бу диктатура Гитлернинг дастлабки қадамлари пайтидаги ёки Муссолини давридаги фашистик кўринишдаги юмшоқрок диктатурадир. Чегаралар очик бўлган шароитдаги диктатура – Сталин даврида чегаралар ёпиқ бўлган, бозор иқтисодиёти шароитидаги диктатура – Сталин даврида бозор иқтисодиётдан асар ҳам бўлмаган, концентрацион лагерларсиз, оммавий сиёсий қатагонларсиз бўлади. Бироқ бу юмшоқ диктатура исталган пайтда қаттиқрок диктатурага айланиши мумкин – жанр қонунларига қараб, албатта.

– **Сиз фашизм ҳақида гапирётганингизда бу тушунчага қандай маъно юкламоқдасиз? Жамиятнинг корпоратив тузилишинини, унинг италянча ташкилланишининг ички схемасинини ёки ХХ-аср ўрталаридаги немислар мисолини?**

– Мен Муссолини ва Гитлер мисолини шунинг учун келтирдим-ки, жамиятни бошқариш бўйича улар тузган схема – фашизмнинг икки классик туридир. 2-чи жаҳон урушигача, у 1939-41 йиллардаги пассив формадан ўта актив ва даҳшатли формага ўтгангунча, кўпчилик етарлича асосли равишда фашизм – давлатни бошқаришнинг анча фойдали формаси, деб ҳисоблаганларини тушуниш керак. 1938-39 йилларда Германия кучли давлат, империя сифатида қайта тикланди, ва бундай ўзгариш немисларнинг катта кўпчилиги томонидан олқишланди. Сени ўлдирини бошлаганларича, болаларинг ўла бошлаганларича, ғалаба билан якунланган кичик урушлар аҳоли томонидан ижобий баҳоланаверади – одам шундай яратилган. Ғалаба билан якунланган кичик урушлар PR-нуқтаи-назаридан Путинга батамом ғалабалар инъом этаётганига ажабланиш керак эмас. Бу – Италия ҳам, Германия ҳам ўтаган агрессия ва экспансия бошланғич даврининг ўзгинасидир. Шохзода Чарльз ва Америка стандарт (ўлчов)лари бўйича демократик, юмшоқ сиёсий лидер ҳисобланган Хиллари Клинтон Путинни Гитлерга ўхшатаётган бўлса, ишонинг, бу гап нима ҳақида бораётганини Фарб тушунаётганининг жиддий индикатори (белгиси) дир. Бу муаммо, тушунибми-тушунмайми, дунё томонидан ечилиши керак, чунки пайдо бўлишининг дастлабки давридаёқ бу муаммо ечилмас (1938 йилгидек, дейлик), у холда уни бир йилдан кейин 1939 йилгидек, яна икки-

уч йилдан кейин эса 1941 йилгидек ечишга тўғри келади.

– **Мен сизни Путин режими ривожланишининг ички мантиги ҳақидаги масалага қайтармоқчиман... Мамлакатни ўзларига бўйсундириб олгач, улар тайёргарлик даврини тугатдилар. Энди янги давр бошланади: Россия бир пайтлар Совет Иттифоқи ёки Россия империясига кирган ҳудудларни ўзига қайтаришга ҳаракат қилмоқда. Шундайми?**

– Россияни асосан ва юқори даражада ё КГБнинг собиқ мулозимлари (Путин, Сергей Иванов, Виктор Иванов, Игорь Сечин каби), ёки ғоявий нуқтаи-назардан қўшилган (Рогозин каби), ёки дўстлик ришталари билан боғланган (Медведев каби) молиявий манфаат нуқтаи-назардан келиб чиққан одамлар бошқармоқда. Ўйлайман-ки, Россиянинг мавжуд режими фақат ҳозир, 2014 йилда, қўллаб-қувватлана бошланди, чунки улар охир-оқибат 1991 йилдан бери бўлган давр нима учун керак бўлганини тушундилар – уларнинг нуқтаи-назаридан бу давр, яъни Қрим аннексияси (босиб олиш)дан бошланган янги давр, тайёргарлик даври бўлган. Ҳатто 2008 йилда бўлиб ўтган Россия-Грузия уруши бир томондан Россия армиясининг кучини, иккинчи томондан Россия ўз армиясини чегара ортида ишлатганига Фарб қандай муносабат билдиришини “синаш тайёргарлиги” эди. Фарбнинг позицияси “Фарб бу уруш натижаларини қабул қиладими-йўқми?” деган саволга жавоб бўлиши керак эди. Фарб Россия армиясига агрессив ҳаракатлар қилишга рухсат берди (мен бу гапни сиёсий, эмоционал, миллий қарашларимдан, Грузия абхазлар ва осетинлар масаласида қанчалик ҳақ ёки ноҳақ эканидан қатъий назар айтмоқдан) – ва ҳеч нарса ўзгармади. Шундай қилиб, 2008 йилдан кейин Россия ва Европа ҳамда Россия ва АҚШ ўртасида ҳеч нарса ўзгармаганлиги Путин учун, албатта, ҳаракатни давом эттиравер, деган жиддий кўрсатма бўлди. Энди Украинанинг навбати келди.

Аниғи, Майдонда бўлган воқеалар, Януковичнинг қочиши бу жанжалга туртки бўлди. Бироқ мен мултоқ аминман-ки, Кремлда қандайдир умумий стратегик режа бор, балки режамас, қандайдир фалсафий концепция бўлиши мумкин. Унинг мазмуни Кремлдаги одамлар ўзлариникиларнинг ҳам, чет элликларнинг ҳам иши ва гапига нега шунча йиллар чидагани, олигархлар томонидан камситилгани, демо-

кратларга табассум қилганини охир-оқибат тушунишганига бориб такаларди. Мамлакатни ўзларига бўйсундириб бўлгач – Россия сиёсат нуқтаи-назаридан ҳам, иқтисод нуқтаи-назаридан ҳам, ҳокимиятга қарши тура оладиган эркин матбуотни йўқ қилиш воситалари нуқтаи-назаридан ҳам бўйсундирилган эди – улар тайёрланиш даврини тугатишди. Энди янги давр бошланди: Россия қачонлардир Совет Иттифоқи ёки Россия империясига кирган ҳудудларни қайтариб олишга ҳаракат қилиши керак. Путин Қримга эгалик қилгандан кейин турли томонлардан, АҚШдан ҳам, Европадан ҳам, унга сигнал кела бошлади: Қримни олиб биз тамоман тўхтаймиз, денг ва биз олдингидек яшайверамиз. Бироқ Путин бундай баёнот бермади – аксинча, у Новороссия, 1991 йилдаги тарихий адолатсизликни тугатиш ҳақида гапир бошлади. Шу сабабли, 2014 йилда бошланган жанжал жиддий ва узоққа чўзиладиган унсурдир.

Бирорта ҳудудий муаммони (Қрим муаммосидан бошқа, чунки яриморолда Россиянинг кучли ҳарбий гарнизони турган эди ва ҳарбий масалалар нуқтаи-назаридан, умуман олганда, у ерда қилинадиган ишлар кўп эмас эди) тез ва қон тўқилишларсиз ечиб бўлмайди – биз буни Луганск ва Донецк “халқ республикалари” мисолида кўриб турибмиз. Ўйлашимча, Путин Фарб давлатларининг вазиятни узоқ вақт таҳлил қилганидан, бир жиҳат унинг учун ўта муҳим бўлган. Бу – АҚШ президентининг позициясидир. Ўз вақтида президенти Обама Афғанистон ва Ироқда бўлаётган икки урушни тўхтатиш учун ҳукуматга келган эди. Бу масалалар президент Обама учун бош масалалар эди, дейиш мумкин. У иккинчи муддатга қайта сайланганда, фикримча, Россиянинг ташки сиёсий муаммоларини ечиш учун яна тўрт йил борлигини Путин тушунди. Чунки АҚШнинг кейинги президенти – у демократ бўлиши ёки республикачи бўлишидан қатъий назар – Россияга нисбатан сўзсиз қаттиқ позицияни эгаллайди.

– **Тушунарли-ки, Қримни олиш каби операциялар режими ички яқдиллигини талаб қилади ва иккинчи томондан, бундай операцияларнинг ўзи жамиятнинг сафарбарликка тайёр бўлишига олиб келади. Сизнинг фикрингизча, кейинги ярим йил ичида Путин ички режими кучайдими?**

– Мен ҳеч қачон Путин режими тез қулайди, у ҳозир яшаётгандай узоқ яшамайди, Путиннинг сиёсий арбоб

сифатидаги умри тугашига бир неча ой, узоғи билан бир йил қолди, дегувчилардан бўлган эмасман. Мен ҳамма вақт Путин режими узоқ яшайди, деб ҳисоблаганман. Бироқ, ҳозир мен Путин айнан агрессив ташки сиёсий ҳаракатлар бошлагани учун бу режим узоққа бормайди, деб ўйлайман. Тушунарли-ки, Путин режими ташки босимсиз қуламайди, ташки босим бўлиши мумкин эмаслиги ҳам тушунарли эди, чунки президенти, олдинги барча президентлар билан солиштирилганда, етарлича прогрессив (маърифатпарвар), европапараст, АҚШпараст сиёсий арбоб бўлган Россияга босим ўтказишнинг нима ҳожати бор?!

Фарб нуқтаи-назаридан Путин, албатта, ҳеч қачон демократ бўлган эмас, бироқ у гаплашиш мумкин бўлган мултоқ нормал ҳамкор эди. Вақт ўтиши билан Россияда ҳокимият вертикали орқали, худди совет давридагидай, мамлакат аҳолиси Кремль ишларидан узиб қўйилган система яратилди. Бундай олиб қаралганда, Путин совет системасига қайтди – Россияни Кремль бошқаради, аҳолининг қолган қисми эса бу жараёнга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Мен Украина тез таслим бўладиган кучсиз рақиб, деб ҳисоблашдан ўзимни тийган бўлардим. Новороссия деган нарсани кўз очиб юмганча ташкил қилиш ниятлари барбод бўлди. “Тез” деган сўзни ҳам қўштирокка олиш керак, чунки жаҳон урушларини ойлар форматда таҳлил қилинмайди, урушнинг ҳар бир куни кучлар жойлашувида жиддий стратегик ўзгаришларга олиб келмайди. Менинг кейинги ойларда ташқаридан туриб кузатишларимдан кўринапти-ки, Россия бошлиқлари жуда кўп майда-майда қадамчалар ташламоқда, улар ягона глобал, стратегик йўналишни – мамлакат урушга тайёрланаётганини кўрсатмоқда. Бу уруш қандай кучлар ва талафотлар билан ўтказилишини биз ҳозир билмаймиз.

Афсуски, Россияда эркин матбуот инструменти бўлмагани учун аҳолининг Путинга бўлган ҳақиқий муносабати қандай эканлигини ва нималар содир бўлаётганини билмаймиз. Ҳар қандай рақамни айтиш мумкин – 86 фоиз қўллаб-қувватлаш, 75 фоиз қўллаб-қувватлаш, бироқ бу рақамларга ишониб бўлмайди, дейди тарихчи Юрий Фельштинский.

Андрей ШАРИЙ

(Т. ЁҚУБОВ таржимаси)

Азиз газетхонлар! Биз ўтган сонларда Одам алайҳис-саломнинг тарихини баён қилган эдик. Шайтони лаин биринчи ота-онамиз бўлмиш Одам Ато ва Момо Ҳаввони йўлдан оздиргач, Аллоҳ азза ва жалл одамзотни жаннатдан, Адн боғидан ҳайдайди. Чунки Тоҳо сурасида ёзилганидек: **«Инсон Парвардигорга осий бўлиб, йўлдан озган эди»** (121-оят). Бақара сурасида эса Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг: **«Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди. Сўнгра Биз айтдик: «Тушингиз! (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача ерда маскан тутиб яшайсиз»**, деган сўзлари бор (Бақара сураси, 36). Инсоният, гуноҳ туфайли Аллоҳнинг хузурида яшашдан маҳрум бўлди.

Шу ўринда кимдир: **«Хўш, шунга нима бўлибди? Бунинг энди нима аҳамияти бор?»** деб сўраши мумкин. Лекин бир тасаввур қилинг-а, Аллоҳнинг хузурида яшаш билан ҳозирги ҳаётимизни таққослаш мумкинми? Ахир фақат Аллоҳ билан бирга яшашни биз **«ҳақиқий ҳаёт, бахтли ҳаёт»** деб атай оламиз, шундай эмасми? Унда Аллоҳсиз яшашни нима деб атаймиз? **Ўлим** дебми?

Ҳа. Дарҳақиқат шундай. Ўлим сўзи аслида айрилиқни англатади. Ўлган одам қариндош-уруғларидан, болачақасидан айрилади. Лекин энг ёмон ўлим – Худодан, Худонинг хузуридан айрилишдир. Аллоҳ таоло, «ундан еган кунингок ўлимга юз тутасан», деб бекорга айтмаган эди.

Хўш, шунга нима бўпти, деб ўйлашингиз мумкин. Биласизми, агар гуноҳ бўлмаганда биз Худонинг хузуридан ҳайдалмаган бўлардик. Энди ўртага девор тушди.

Гуноҳ бўлмаганда касаллик ёки ўлим ҳам йўқ эди. Худо Одам Атони касал бўлиш учун ёки фалон йилдан кейин ўлсин, деб яратган эмас эди.

Гуноҳ бўлмаганда одамлар ўртасида хафачилик, гина, тушунмовчилик, ғазаб ёки нафрат каби нарсалар ҳам бўлмасди. Аллоҳ инсонларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлсин, бир-бирлари билан яхши покиза муносабат курсин, деб яратган.

Атрофингизга каранг. Кўриб турган ёмон нарсаларнинг бирортаси ҳам бошида йўқ эди. Худо инсонни гўзал

ҳаёт учун, ҳақиқий ҳаёт учун яратган эди. Гуноҳ туфайли дунё ўзгариб кетди.

Худо бизни яна, ер юзини парвариш қилишимиз учун ҳам яратган эди. Ҳозир эса инсонлар бунинг тескарисини қияпти: ер заҳарланган, сув заҳарланган, ҳаво заҳарланган... Одамлар энди Худо учун, Худо хоҳлаганидек ҳаёт кечираётганлари йўқ.

Энг ёмони, одамзот Худонинг хузуридан маҳрум бўлди. Биз ҳайдалдик – Худонинг хузуридан ҳайдалдик.

Кейин Қуръони каримда бундай деб ёзилган: **«Одам ўз Роббисидан бир неча сўзлар қабул қилиб олганидан сўнг (Аллоҳ) унинг тавбасини қабул қилди. Албатта У тавбаларни қабул қилгувчи меҳрибон Зотдир. «У жойдан ҳаммангиз тушингиз», дедик. «Бас, сизларга Мен тарафдан Ҳидоят келганида, (унинг орқасидан эргашинлар). Ҳидоятимга эргашишлар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ, улар гамгин бўлмайдилар»** (Бақара 37-38).

ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ ҚИССАСИ



Агар "Пайғамбарлар қиссаси" туркуми бўйича фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса, ziyoizlang@gmail.com электрон кутисига йўлланг: хатингизга албатта жавоб ёзамиз.

¹ Қуръон, Моида сураси 5:27: «Уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳақкироқ тиловат қилинг. Иккови қурбонлик қилганида биридан қабул бўлиб, иккинчисидан қабул бўлмади. Шунда у, қасамки, сени ўлдираман, деганида, биродари айтди: «Аллоҳ фақат тақводорлардан қурбонлик қабул қилади».

﴿وَأْتَلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ابْنَيْ آدَمَ بِالْحَقِّ إِذْ قَرَّبَا قُرْبَانًا فَتَقَبَّلَ مِنْ أَحَدِهِمَا وَلَمْ يُتَقَبَّلْ مِنَ الْآخَرِ قَالَ لَأَقْتُلَنَّكَ قَالَ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ اللَّهُ مِنَ الْمُتَّقِينَ﴾

Одам алайҳис-салом билан Момо Ҳавво кейин фарзандлар кўришади.¹ Биринчи ўғилга Қобил деб, иккинчи ўғилга Ҳобил деб от қўйишади. Йиллар ўтиб улар улғайди. Ҳобил чўпон бўлди, Қобил – дехқон. Бир куни Қобил ердан олган ҳосилининг бир қисмини олиб келиб, Аллоҳга назр қилди. Ҳобил эса сурувидаги сара кўчқорларидан сўйиб, энг яхши қисмини қурбон қилди. Шунда Яратганга Ҳобил ва унинг қурбонлиги манзур бўлди. Қобил ва унинг ҳадяси эса маъқул бўлмади. Қобил бундан қаттиқ аччиқланиб, қовоғини солди. «Нега хафа бўласан? – деб сўради Худо. – Нега қовоқ солиб юрибсан? Билиб қўй, тўғри қилинган амал қабул бўлади, бироқ агар амалинг нотўғри бўлса, гуноҳ сени аллақачон бўсағада пойлаб ётган. Эҳтиёт бўлмасанг, сени эгаллаб олади! Аслида, сен унинг устидан ҳоким бўлишинг керак!» деди.

Кўряпсизми, Қобил қурбонлиги қабул бўлмаганидан кейин ғазабланиди. Худонинг ишидан норози бўлди. Бу эса гуноҳ. Гуноҳга йўл берсангиз, у сизни ҳам ўзига қул қилади. Аслида эса биз гуноҳнинг устидан ҳоким бўлишимиз керак.

ГУНОҲНИНГ ҚУДРАТИ

﴿فَطَوَّعَتْ لَهُ نَفْسُهُ قَتْلَ أَخِيهِ فَقَتَلَهُ فَأَصْبَحَ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾
«Бас, нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли кўрсатиб Қобил уни ўл-

дирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди».²

Аллоҳ таолонинг насиҳатини Қобил ўзлаштира олмади. У Худога итоат қилиш ўрнига, укаси Ҳобилни даштга олиб бориб ўлдирди. Кейин Худо Қобилдан: «Уканг Ҳобил қани?» деб сўради. «Билмайман. Нима, мен укамга қоровулманми?» деб жавоб берди Қобил. «Нима қилиб қўйдинг?! – деди Аллоҳ. – Уканг қони тупроқдан Менга фарёд қияпти! Энди ер сени қарғайди. Қанча ишлов берсанг ҳам, сенга ҳосил бермайди. Бутун умр ватанингдан узокда, сарсон-саргардон бўлиб яшайсан!» деди.

Савол: Қобил нега Ҳобилни ўлдирди? Нима учун одамлар кўп ҳолатда гуноҳ ишлардан ўзларини тўхтата олмади? Нима деб ўйлайсиз? Наҳотки гуноҳда инсонни қул қилишга қодир бир куч мавжуд бўлса?!

«Биз Бани Исроилга: «Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдиргандек бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади», деб ёздик. Батаҳқиқ, пайғамбарларимиз уларга баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра, бундан кейин ҳам, улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар» (Моида сураси 5:32).

(давоми кейинги сонда)

Гуноҳ бизнинг устимиздан ҳокимлик қилмаслиги учун нима қилишимиз керак? Бу ҳақда ҳеч ўйлагансиз? Гуноҳнинг тизимидан чиқиб кетиш мумкинми?

БУГУНГИ МАТБУОТДАГИ АЙРИМ ТАМОЙИЛЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон ўз ҳаётида олачалоқ бир даврни бошдан кечирмоқда. Сиртдан караганда юрт гўё тинч ва осудага ўхшайди. Гўё Фарғона, Ўш-Ўзган, Паркент, Талабалар шаҳарчасида ва ниҳоят Андижонда фожиалар бўлиб ўтмагандай... турмаларда ёш-ёш ўзбек йигитлари ўлмагандай, қолганлари дўзах азобларини тортиб ётмагандай... Россия ва Қозоғистонда миллионлаб юртдошларимиз қулдай ишлаб, тақирбошлар ва бошқа бошлар ҳужумидан ҳалокатга учрамагандай... Халқ дорилонмон, осуда ҳаёт кечираётгандай... Булар ҳаммаси хомхаёл! Илгари Шўро даврида ҳам баъзиларга ҳаёт ҳозиргидан ҳам гўзал ва осуда кўринар, аслида фожиалар ҳам, йўқотишлар ҳам етарли эди.

Синчиклаб қарасангиз, ҳозирги вақтда ўзбек халқи аҳолисининг 80-90 фоизи ниҳоятда оғир иқтисодий ва маънавий таназзул даврини бошдан кечираётганини кўрасиз.

...Ишсизларнинг оилаларида қозон қайнамастик ҳоллари кўпайиб бормоқда. Улар орасидан умрбоқий мардикорлар, гадоилар етишиб чиқмоқда...

Ойига тахминан 30-50 долларга тенг келадиган кадрсиз ўзбек сўми олиб ишлаётганлар ҳам коллорияли овқат емаслиги натижасида камқонлик балосига йўлиқиш, иммунитетларини йўқотиб, турли касалликларга чалинишмоқда. Уларнинг аксарияти пул топиш илинжида бойларга ёлланиб ёки бозорларда аравақашлик қилиб, амал-тақал кун кечираётган ҳаммага маълум. Зиёлиларнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас, олий таълим даргоҳларидаги профессор ўқитувчилардан аксарияти талабаларнинг қўлига қараб кун кўришади, бир хиллари эса икки уч жойда ишлаб рўзғор тебратишади. Илмий текшириш институтида ишлайдиганларнинг аҳволи ҳам бундан хабардор. Грант ютиб олса, ҳар на, агар грант бўлмаса ё ишдан бўшаши ёки арзимаган чойчақага ишлаши керак...

Диндорлар орасида ваҳобий, хизбуттаҳрир, нурчилар, исломий тўдалар ваффи бор, деган баҳона билан камалганлар сони кундан-кунга ўсиб бормоқда...

Ошкоралик йўқлиги учун кўпчилик бу гапларни уйдирма деб ўйлайди. Шундай ҳаёлда бўлганларга “Озодлик”, “ВВС”, “Немис тўлкини”, “Америка овози” радиоларини, ҳеч бўлмаса, интернетдаги ўзбекча сайтларни ўқишни тавсия этардик.

Шундай бир мураккаб иқтисодий-сиёсий жараён, муҳит тимсоли адабиётда, санъатда (айтайлик публицистикада) ошқора акс эттириладигани йўқ - бунга норасмий цензура ҳам, газета журнал муҳаррирларининг “қаттиққўллиги”, ижодкорларнинг эҳтиёткорлиги ҳам йўл бермапти. Юқори доирадаги риёкор кимсалар бизларга “ҳаётдаги ғам-аламлар ўткинчи, шодликни абадий, ғам-ҳасратни итқитиб, хурсанд бўлиб яшанг, гарчи уйингизда ейишга ҳеч вақо қолмаса-да, кийимларингизнинг увадаси чиқиб кетган бўлса-да, фақат яхши нарсаларни ўйланг”, деб уқтиришади.

Ёзувчилар уюшмасида 2008 йил 10 октябрда бўлиб ўтган бир йиғилишда бу жамоанинг ўша пайтдаги бошлиғи, бир пайтлар, арбоблар ҳақида: “Йиғлаб ҳам бўлмайди улар дастидан, қулсанг худбин дея тушар қасдинга, бадбинсан дейдилар гар чексанг кайғу”, деб ёзган, нисбатан ҳаққоний шеърлари билан шухрат қозонган Абдулла Ориф: “Эътибор беринг, ҳали 16 га ҳам тўлмаган шоир, “Армонларим юракни ўйди, Ёмонликдан юраклар тўйди, Армон мени пичоқсиз сўйди, Сен армоним экансан, бахтим”, деб нола қилса, бундан қандоқ тушуниш керак”, деган. Ажабо, 16 яшар шоир ғам чекмаслиги, ўз юрагидаги армонларини тўкиб солмаслиги

керак экан... Ҳолбуки ҳаётда ғам-алам тўлиб-тошиб ётибди. Фарғонада, Паркентда, Талабалар шаҳарчасида, Ўш-Ўзганда ва ниҳоят Андижонда кимлардир томонидан фарзанди, онаси ё отаси отилганлар ғам чекмаслиги мумкинми? Турли хил айблар қўйилиб қамокқа ташланган кишиларнинг ота-оналари, фарзандлари қалбида ғам-алам ҳислари уйғонса, шоир шу ҳисларни шеърга солса айбдорми? Ахир Абдулла Ориповнинг ўзи бир пайтлар: “Айтинг, Боботоғнинг силсиласида, ғамгин кезмасинлар мунис охулар, улар акс этади шеър мисрасида, ажиб, ўйчан қилиб қўяди улар”, деб ёзмаганмиди? Ҳолбуки, ўша шеър ёзилган пайтларда Ўзбекистонда ортиқча қирғин ва тўполонлар йўқ эди. Оддий халқ ҳозиргидан яхшироқ кун кўради.

Абдулла Орипов ва у каби юраги тош қотган маъмурлар бошқараётган, юзага келтирган адабий сиёсат туфайли шоирлардан аксарияти ғам-аламни қуйлашдан кўрқиб қолдилар. Ўзбекистон матбуотида фақат шодон чехралар акс этган суратларни кўрасиз. Ўзбекистон радиосида ва телевиденияда шўх кўшиқлар ва кийшанглаб ўйнаётган ўйинчиларни кўрасиз. Телевидениеда омади келган одамлар, иши юришган совдагарлар ҳақида гапиришади, газета журналларда фақат дорилонмон замон, тўкин-сочинлик ҳақида ёзишади.

Бадийи зиёлилар ва журналистлар орасида ҳақиқатни ўз вақтида айтмаётгани учун ўзлари тарих олдида жавоб беришларига тўғри келишини сезаётганлар ҳам, сезмаётганлар ҳам оз эмас. Юрагидаги дард ҳасратларни шеърга, ҳикояга, мақолага тўкаётганлар чет элларда кўпроқ. Юртдагиларнинг бир қисмининг баъзи асарларигина кўринмас цензура элагидан ўтиб матбуот юзини кўраётган эди. XXI Асрнинг иккинчи ўн йиллигига етиб-етмай бу хил асарлар ҳам қамайиб бормоқда. Баъзи бир эҳтиёткорлар эса, асарларини яхши замонлар келса чоп эттираман, деб сақлаб қўйишибди. Аммо оммавий ахборот воситаларида, аксарият, ураура мақолалар, маддохнамо шеърлар, мансабдаги кимсаларнинг ҳаётини ёруғ томонларинигина кўрсатишга бағишланган сохта “асар”лар босилмоқда. Ҳатто ўтмишдаги қатоғонлар ҳақида ҳам камроқ ёза бошлашди. Назаримизда, Қодирий, Чўлпон, Фират, Усмон Носирлар ҳақида ёзишса ҳозирги қатоғонлар эса тушиб қолишидан ҳайиқишаётгандай.

Ҳатто тарих ҳам бир томонлама ёритилмоқда. Айтайлик, бир пайтлар шўро адаблари Амир Темур ҳақида ёзишса уни ер билан битта қилиб, қонхўрдан олиб қонхўрга солишарди. Унинг фаолиятидаги ёруғ томонлар кўрсатилмасди. Эндиликда унинг фаолияти мутлақо оқ рангга бўяб кўрсатилмоқда. Агар кимдир унинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган қонли воқеаларни эслайдиган бўлса унга сал кам халқ душманига қаралгандай қаралади. Туппа тузик олимлардан Ҳамдам Содик “Масъулият унутилса”, мақоласида Қўзибой Мамараимовнинг “Самарқанд” газетасида (2008 йил 2 августда) эълон қилинган “Амир Темур стратегияси ва тактикаси” мақоласидан қуйидаги иқтибосларни келтиради: “1388 йили Темур Урганччи эгаллаб, шаҳарни ер билан теп-текис қилиб, ўрнига арпа экишни буюради. Темур қўшини шаҳарни ўн кун давомида талайди”. (Адабиёт ва санъат газетаси. 2008 24 октябрь сони).

Тарихий фактларга таяниб ёзилган бу мақола муаллифини Ҳамдам Содик сал кам сотқинликда айблайди. Ажабо, Темур ўзимизники бўлгани учун биз унинг барча кирдикорларини оқлайверсак, Напаленни Французлар, Петр Iни ўрислар, Гитлерни



немислар ёқлайверса, бу қипқизил миллатчиликку! Миллатни, унинг буюк вакилларини ҳимоя қилиш (улар бизнинг ота боболаримизни фақат ёмон томонларини кўрсатаётган шароитда) шўро даврида ўзини озми-кўпми оқларди, ҳозир эса, ўзини оқламайди. Тарихни бор ҳорлича ўрганишимиз ва ўргатишимиз керак...

Айни замонда, журналист, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаммасини кўрқокча чиқариш ҳам адолатдан эмас. Бунга Қўзибой Мамараимовнинг юқорида айтилган мақоласи ҳам асос. Бугунги виждонлироқ олим, журналист ва ёзувчи иложи бор имконлардан фойдаланиб ҳақиқатнинг бир қисмини бўлса ҳам айтишга ҳаракат қилади, биттагина ҳаққоний гапи ўтиб қолса ҳам ўзича кўнгли ўсиб юради. “Фалон масалада, гапни айлантриб, пистон гапни айтиб ўтдим”, деб гурурланиб ҳам қўйишади.

Масалан, шоирлардан бири: “Сизнингча ижодкорнинг бахти ва бахтсизлиги нимада?” деган саволга: “Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам ўзини ўраб олган муҳитга безовта муносабатидадир. Бахти шуки, у халқнинг, миллатнинг дарди билан яшайди, уни бахтиёр кўргиси келади. Бахтсизлиги шуки, унинг элдан бурун бахтиёр бўлишга ҳаққи йўқ”, деб жавоб беради. Гапни айлантриб туриб, элим бахтсиз, мен ҳам бу шароитда бахтли бўлаолмайман, демокчи бўлади. Сўнг бугунги адабий жараён ҳақида, хайрон қолгандай: “Аммо уч тўрт киши йиғилди, дегунча, адабиёт, унинг муаммолари бир томонда қолиб, турмуш ташвишлари гурунларнинг асосий мазмунига айланиб бормоқда.” (Адабиёт ва санъат газети, 2008 йил 10 октябрь), дейди. Кўплар шу оддий, аммо адолатли гапларни ҳам шоирнинг мардлигига йўйишади. Балки вақти келиб, уларнинг асарларини тадқиқ этганлар, бу гапларнинг маъносини ўзларича чақиб, бечора шоирларни қаҳрамонга чиқаришар. Унда хорижда ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган, ҳаётни ҳаққоний акс эттириётган шеърларни, ростакан эркин нашрларда айтилаётган гапларнинг муаллифларини қандай ном билан аташар экан?..

Ҳа, асрлар давомида зулм ва зўровонликка, ҳақсизликка қарши курашиб келадиган адаблар, журналистлар, шоирлар, ноширлар жим ўтиришгани йўқ. Аммо газета журналлар уларни босишга “тайёр” эмас.

Бир пайтлар Карим Баҳриев асос солган “Хуррият” номли газетда ҳақиқат, ҳаққоний ҳол айтила бошланганда. Газетда жиддий танқидий мақолалар чоп этила бошлангач (тўртта сондан кейин) у дарҳол ишдан четлатилди, бошқа муҳаррир тайинланди... Бошқа муҳаррир эса газетдаги мақолаларнинг ўткирроқ тишларини эговлай бошлади...

Сўнг “Мохият” номли газета Ўзбекистондаги у ёки бу муаммолар ҳақида

ёзилган мақолаларни чиқара бошлади. Аммо унинг муҳаррири ҳам ўзгариб, тишсизгина газетга айланди. Ҳатто биз юқорида мақолалардан кўчирма келтирган “Адабиёт ва санъат”нинг муҳаррири ҳам бир неча марта ўзгарди. Кейинги бўшатирилган С. Ҳаким биргина мисра (“мени унутганини унутар халқ ҳам”) учун мансабидан айрилганини хориждаги “Дунё ўзбеклари” ёзиб чиқди.

Ўзбек зиёлиларининг менталитети ғалати. Улар ҳаққоний ҳолни акс эттирган асарларни ҳам ҳимоя қилиша олмайди. Юқоридан туриб сал бошқачароқ кўз билан қарашса, чўчиб қолишади. Дарҳол яшаш ва ижод қилиш тамойилларини ўзгартиришга ҳаракат қилишади. Бошқа миллатларнинг зиёлилари халқнинг олдинги сафларида юришади. Ҳаққоний зиёли бошқараётганлар сафида бўлмайди, ҳамиша халқнинг ғамини ейиши керак, деб ўйлашади ва шунга мос ҳаракатлар қилишади.

Айтайлик бошқа мамлакатларнинг газета муҳаррирлари бошига “Хуррият” ва “Мохият” муҳаррирлари бошига тушган ҳолат тушса кейинги бўлган муҳаррир олдингиларининг анъаналарини ҳеч оғишмай амалга оширишади, бизда эса, мансабга ўтириб олган ҳар бир муҳаррир газетда долзарб, ҳаққоний ва ўткир мақолалар чоп этишни эмас, узокроқ ўтиришни ўйлашади ва ростдан ҳам “ўтириб” қўйишади.

Юқоридаги икки-уч газетанинг мисолида бунни кўрдик. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Агар муҳаррирлар катъийлик кўрсатишса, мулозимларнинг кўзларига олабўжига ўхшаб кўринса ёпиб ҳам қўйишаверади. Масалан, уч-тўрт йил аввал “Адвокат” номли ҳуқуқий газета чоп этила бошланганда. Аммо баъзи “тишли” мақолалардан кейин у ёпиб ташланди. Кейин эса, “Ирмок” номли маърифий журнални ҳам, “туркпарастлик ва “нур” парастлик бор”, деган баҳонада ёпилганини, у ерда ишлаётган бир қатор журналист биродарларимиз қамалганини эшитдик. Аллоҳ сабр берсин.

Ҳеч бир мамлакатда газета ёки журнал чоп этгани учун қамашмайди ва ўлдиришмайди. Қирғизистонда эса Алишер Соповни отиб ўлдиришди.

Хуллас, журналист ва адаблар ошкораликни тирилтиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилишмоқда, шоир ва адабларимиз ҳам жим ётишгани йўқ. Шундай катта халқнинг адабиёти ва журналистикаси жим қолиши мумкин ҳам эмас. Аммо бу ёғини Худо билади... Ҳар ҳолда, жим ётишмагани билан муаммоларни жиддий таҳлил этиб ҳаётга, сиёсатга объектив баҳо берадиган мақолалар ҳам бадийи асарлар ҳам Ўзбекистонда чиқаятгани йўқ...

Ботир НОРБОВ
филология фанлари доктори.

ҲОЖИЛИК МАШАҚҚАТЛАРИ...

(боши 25-сонда)

Ҳалиги Шовотлик аёлининг жасадини уч кундан кейин касалхонадан топдик. Кечаси соат 12:30 да, Ўзбекистоннинг Саудия Арабистондаги консули келиб Богот тумани И.Дўсов хўжалигидан келган Болтабой ака Хўжаевни чақириб, Хукумат номидан таъзия билдирганда бечора Болтабой аканинг капалаги учиб кетди.

Бориб бир неча жасадлар ичидан қазо қилган умр йўлдошини таниб олиш кераклигини айтгандагина у анча ўзига келиб: “Менинг умр йўлдошим ўтганига 14 йил бўлган эди”, деди. Шундагина бу аёлни Болтабой ака Хўжаевга махрам (эри) қилиб ёзиб юборишгани маълум бўлди. Бу аёлни Минодаги қабристонга дафн қилдик.

Эртаси чин арафа куни бомдод намозини ўқигач, Арафат майдонида автобусларда жўнадик. Бу ерда куёш қиёмдан оғандан сўнг, бир азон ва икки такбир билан имом раҳбарлигида пешин ва аср намозларини кўшиб ўқидик. Арафа куни Арафатда бўлиш хажнинг фарзларидан биридир.

Арафат майдони шунчалик каттаки, унда бир варакайига бир неча миллион ҳожилар ўзларининг палаткалари ва машиналари билан сиғадилар. Бу майдоннинг ўртасида пасткамрок кичкинагина бир тоғ жойлашган бўлиб уни Раҳмат чўққиси дейдилар. Бу чўққига чиқиб, Каъба томонга юзланиб, қилган гуноҳларимиз учун сидқидилдан тавба қилиб, Оллоҳга ёлвориб раҳмату мағрифат сўрадик ва икки ракат раҳмат намози ўқидик. Бу эса суннат амалларидан бири ҳисобланади.

Ривоят қилинишича, Одам ота билан Ховво она гунаҳкор бўлганлари сабаб жаннатдан туширилганларидан кейин, бир неча юз йил бир-бирини излаб юришиб шу Арафат майдонида учрашишган. Улар шу Раҳмат чўққисига чиқиб Оллоҳдан тавбаларини қабул қилишини ва раҳмату мағрифат сўраб илтижо қилишган. Оллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилиб раҳмат қилган. Ана шунинг учун ҳам бу Арафат майдони ва ундаги раҳмат чўққиси мўътабар жой бўлиб қолган ва хаж рукнларига киритилган бўлса ажаб эмас.

Шу (16 апрель) куни кечқурун автобусларда Муздалифа (Арафатдан 5-6 км) майдонида етиб келдик. Бу ерда шом ва хуфтон намозларини бир азон ва икки такбир билан кўшиб ўқидик. Бунда хуфтон намози (фарзи) каср қилиб, тўрт ракат ўрнига икки ракат ўқилади. Шундан кейин Муздалифа майдонида тунаб қолдик. Тонг саҳарда туриб ҳар биттаси данакдай келадиган 70 та тош териб, белбоғимизга солиб қўйдик. Бомдод намозини ўқиб, куёш чикмасдан Минога кайтдик...

Минога 17-апрель эрталаб етиб келгандан кейин, белгиланган палаткаларга жойланиб, нонушта қилиб сўнг, шайтонларнинг рамзи сифатида қўйилган бетонлар томонига борилади ва катта шайтонга қараб етгита тош отилади. Ҳар бир тошни отган пайтда, Оллоҳу ақбар, дейилади ва отилган тошлар шайтон тимсолига тегиши шарт.

Тош отаётган пайтда Каъбатуллоҳ чап томонингда, Мино ўнг томонингда бўлиши керак. Тош отиш муддати куёш чиққандан пешин вақтигачадир. Шундан кейин (яъни соат 10-11 ларда) шайтонга тош отилган ерга қарама-қарши томонда иккита қоя (тоғ)дан кейинги дарада аввалдан пуллари тўлаб қўйилган кўчқорларни ҳар бир хожининг исмини зикр қилиб қурбонлик (сўйилади) қилинади.

Агар истаги бўлса ўз қурбонлигини ҳар бир хожининг ўзи сўйиши мумкин. Қурбонликлар сўйилиб бўлгандан кейин эркаклар сочини олдириб (ёки қискартириб) аёллар сочининг учидан қирқиб Эҳромдан чиқилади. Бу Эҳромдан чиқишни кичик таҳлил дейилади...

...Эҳромдан чиққандан кейин Маккага қайтиб келиб Каъбатуллоҳни етти марта айланиб тавоф қилинади. Бу тавофни “Тавофи ифода” яъни хаж тавофи дейилади ва у оҳиста юриб бажарилади. Бу эса хажнинг асосий фарзи ҳисобланади.

Шундан кейин оби зам-замга келиб тўйиб сув ичибли кейин юз қўллари ювилади. Каъба эшиги билан қоратош ораллигини мулазимда деб аталади ва у ерда дуо, илтижолар қилинади. Бу макон дуолар мустажаб бўладиган жой ҳисобланади. Энди Эҳромдан тўлиқ чиққан ҳисобланади.

Шундан кейин Минога қайтиб кетилади. Минода

хайитнинг биринчи, иккинчи, учинчи кунлари ташрик кунлари дейилади ва шу кунларда ҳар кун пешин намоздан кейин кичик, ўрта ва катта шайтонларнинг ҳар бирига еттидан тош отилади.

Шундай қилиб Оллоҳнинг инояти билан, 19-апрель аср намозигача Ҳаж намозининг фарзи, вожиби ва суннатларини тўқис бажариб “Ҳожи” бўлишга муяссар бўлдик ва 20-апрель, бомдод намозидан кейин, автобусларда Маккага келиб ўз меҳмонхоналаримизга жойлашдик.

20-апрелдан 28-апрелгача Каъбатуллоҳни тавоф қилиш ва умра зиёрати билан шуғулландик. Умра зиёрати қуйидагича амалга оширилади: Каъбадан 15-20 км ғарб томонда (Макка шаҳрининг ғарбий четида) Ойша (Ойша Сиддик) онамининг масжидлари бўлиб, у масжид ал-Умро ҳам дейилади.

Унга бориб ғул қилиниб, Эҳромга кирилади ва икки ракат нафл намози ўқилади. Бу намознинг ниятида шул умра хажини ўзим, отам ёки бошқа бировлар учун ният қилдим дейилади ва намознинг охирида “Эй Парвардигор унинг гуноҳларини кечиб ушбу умра хажини қабул қилгайсан” деб дуо қилинади. Кейин шаҳар автобусида Лаббайка дуосини айтган ҳолда Каъбага келинади.

Каъбани етти марта айланиб тавоф қилиш, Сафо ва Марва тоғлари орасида сайъ қилиб, охирида шул умро хажни... қабул қилинишини Оллоҳдан илтижо қилиб икки ракат намоз ўқилади ва сочининг ҳар томонидан қирқиб Эҳромдан чиқилади. Умра хажини неча марта бажарилса шунча марта юқоридаги амаллар бажарилади.

Мен 20-28 апрель кунларида ўзим, отам, онам, Аралли эшон бобо, Ширвали бобо, буюк Хоразмийлар, фарзандларим: Ойбек, Улуғбек ва умр йўлдошим учун (уларга ният қилиб) умра Ҳажини сидқидилдан бажардим. Айрим кунлари икки марта (тушгача бири, тушдан кейин иккинчиси) умра хажини адо қилган кунларим ҳам бўлган.

Маккадаги кунлари беш вақт намознинг деярли барчасини Каъбатуллоҳнинг тагида ўқидим. Бир неча намозни Каъба эшигининг тагида, имомнинг шундоққина орқасида туриб ўқишга муяссар бўлдим. Кўп марталаб Каъба эшигининг тагида марҳумларнинг жанозасини ўқишда иштирок қилдим.


28-апрель куни Каъбатуллоҳда пешин намозини ўқиб бўлгач видолашув тавофини (аввалги тавофлар каби) адо қилдик. Кейин буюк эътиқод ва ҳурмат билан кўзларимни Каъбатуллоҳдан узмаган ҳолда, орқа билан юриб, бу буюк маконни яна зиёрат қилиш имкониятини Аллоҳдан сўраб кўзларимда ёш билан, Масжиди ал-Ҳарамдан чиқдим. Лекин бутун вужудим ва руҳим гўё шул Каъба олдида қолган эди, фақат жисмигина юриб борарди.

1997 йил 28-апрель соат 19 да автобусларга ўтириб, Мадинаи Мунаввара томон кетдик. Мадинага ярим кечадан кейин етиб келдик ва Муҳаммад алайҳиссалом масжидларига 2-2,5 км бўлган Қурбон Нозил кўчасидаги “Иморат ал-Вуқайс” меҳмонхонасига жойлашдик.

Эрталаб нонушта қилгандан сўнг Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (САВ)нинг равзаи саодатлари жойлашган масжидга йўл олдик. Масжидга ўнг оёқ билан кирилади ва Пайгамбаримиз минбарлари билан қабрлари (дафн қилинган жойлари) ўртасида туриб икки ракат таҳийятул масжид намози ўқилади.

Сўнг Пайгамбаримиз Муҳаммад (САВ) алайҳиссалом қабрларига бориб, бош тарафида, қиблага қараган ҳолда Салом берилади. Шундан кейин хажга келаётганда Пайгамбаримизга салом айтишни илтимос қилган кишиларнинг саломини Пайгамбаримизга етказилади. Сўнгра Абу Бакр ас-Сиддик, Умар ибн Хаттоб қабрларининг бош томонларига ўтиб салом берилади. Шундан сўнг Пайгамбаримиз қабрларининг бош томонларига қайтиб Қуръон тиловат қилиб, унинг ҳаққига дуои-хайрлар қилинади ва масжид ичига кириб икки ракат намоз ўқилади.

Мадинада бўлинган кунлари 5 вақт намознинг барчаси улуғ масжидлардан бири ҳисобланмиш Пайгамбаримиз масжидида ўқиш мақсада мувофиқ. Ривоят қилинишича Масжид ал-Ҳарам (Каъба) да ўқилган ҳар ракат намоз (бошқа ерда ўқилган намозга қараганда) 100 минг, Мадинадаги Муҳаммад алайҳиссалом мажиди ва Қуддусдаги Ал-Ақсо



масжидларида ўқилган намозларининг ҳар бир ракати 50 минг ракат ўрнига ўтар экан.

Мадина четигаги “Ал-Вақил” қабристонига Ислому учун жон берган саҳобалар ётибди, шунинг учун у ерни зиёрат қилиш мустаҳаб амаллардан ҳисобланади. Бу қабристон девор билан ўраб олинган, шунинг учун ичига кирилмай ташқарисида туриб бу ерда ётган саҳобалар руҳига Қуръон тиловат қилиниб дуо қилинади.

Шунингдек, Исломда машҳур жанг бўлган Ухуд тоғига, Қиблайто, Қубо, Сабо ва Ҳазрати Билол масжидларини ҳам зиёрат қилиб, уларда намоз ўқидик. Қубо масжиди икки қиблали масжид ҳам дейилади.

Ҳижратнинг иккинчи йили Пайгамбаримиз намозини (ўша пайтларда қибла бўлган) Ал-Ақсога қараб ўқиб турганларида: “Юзингизни масжид Ал-Ҳарамга қараб бурунг (2-сура, 144-оят), у шубҳасиз Парвардигорингиз бурунг ҳақ қибладир (2-сура 194-оят), деган оятлар нозил бўлади ва улар юзини (180 градус орқага) Каъбатуллоҳга қаратиб буриб, намоз ўқишни давом қилдирадилар. Шундан бошлаб Маккада жойлашган Масжид Ал-Ҳарамдаги Каъбатуллоҳ барча мусулмонларнинг юзланиб намоз ўқийдиган Каъбаси бўлиб қолди.

Манбаларда қайд қилинишича Пайгамбаримиз ўзлари вафот қилган ерларига (яъни ўзларининг масжидлари ичига) дафн қилинган. Кейинчалик бу жой устига мақбара (яшил гумбаз) бунёд этилган. Бу мақбара (гумбаз) ичида 4 та жой (ўрин) бўлиб, биринчисидан Пайгамбаримиз дафн қилинган, устига ҳеч қандай қабр солинмаган (теп текис).

Иккинчиси бўш, ҳеч ким қўйилмаган, учинчисига Абу Бакр ас-Саддик, тўртинчисига Умар ибн Хаттоб қўйилган бўлиб, иккаларининг ҳам устида қабри бор. Буларнинг барчаси панжарали дарвоза орқасида бўлиб, улар ётган жойлар қоронғу бўлганлигидан ғира-шира кўриниб турибди...

...1997 йил 4-май куни Урганч аэропортида Хоразмлик ҳожиларни тантанали равишда кутиб олишди. Мен фақат 20 л Оби зам-зам суви, 5 дона Қуръони карим китоби, 5 та жойнамоз сотиб олиб келдим холос. 4-май куни эсон-омон келганимизга шукур қилиб, элга садақа (Худойи) бердик.

Садақага келган барча одамларга 1 қултумдан зам-зам сувидан совға қилинди. Шу ернинг ўзида Иморат бобо, Аралли эшон бобо, Нуржон бобо, Туркманлик маҳалла маркази, Урганчдаги қурилаётган (Хоразмий) масжидларининг ҳар бирига битта жойнамоз, битта Қуръони карим китобини совға қилдим. Бу совғалар юқорида айтилган ҳар бир масжид имомига топширдик. Бу топширилган китоб ва жойнамоз шу масжидлар намозхоналарининг сажда қилинадиган (қибла) томонига осиб қўйилган. Ҳар бир намозхона кўзининг уларга тушиб туриши улар учун ҳам мен учун ҳам чексиз қувонч бўлапти.

Ахмад хожи ХОРАЗМИЙ.

Буюк Британия, Стокпорт шаҳри.

(мақола қискартириб босилди)

**ТУРКИСТОН
ТОНГИ**

Ижтимоий-сиёсий, илмий,
адабий-публицистик нашр.

Бош муҳаррир
Раҳимтой Бегалиев

Муҳаррир ўринбосари
Ботир Норбоев

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**

Бахтиёр Исабеков,
Малик Мансур,
Ўринбой Усмон,
Фарҳодхон
Мухтаров

1. Муаллифларнинг фикри нашр таҳририяти аъзолари фикри билан айнан мос бўлмаслиги мумкин.
2. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро дўстликка очиқ раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
3. Ўқувчиларимизнинг саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслиги-га умид қиламиз.
4. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.